# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 2-FEVRAL, SESHANBA, 14 (8565)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Хоразм вилояти

## САМАРАДОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ

**Мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.**

ТАДБИРКОРЛИК

Урганч туманидаги “Тилло домор” хусусий корхонаси бундан 15 йил аввал 7 нафар ишчи билан кунига 200 литр сут маҳсулоти тайёрлашни йўлга қўйган эди. Айни пайтда корхонада етмишга яқин ишчи меҳнат қилмоқда ва йигирмага яқин турда юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Корхона раҳбари Умарбек Шариповнинг айтишича, бу ерда кунига ўртача 10 тонна сут қайта ишланаётир. Сут етказиб бериш бўйича 15 фермер хўжалиги билан шартнома тузилган.

СУРАТДА: *ишчи Жўрабек Рўзметов.*

**Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат.**






Тошкент шаҳри

## ЛИЗИНГ – САЛОМАТЛИК УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТДИ

*Пойтахтимиздаги “Shox” тиббиёт марказида “Ўзбеклизинг” компанияси томонидан берилган лизинг эвазига хориждан янги тиббиёт ускуналари олиб келиб, ўрнатилди.*

– Шифохонамизга жаҳоннинг етакчи компанияларидан бири бўлган Германиянинг “Siemens” корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган энг сўнги русумдаги тиббиёт ускуналари – магнит-резонанс томографи (МРТ), компьютер томографи (МСКТ) ҳамда рентген аппаратини олиб келиб ўрнатдик, – дейди марказ директори Ш.Абдуллаева. – Ушбу янги жиҳозларнинг қулайлиги шундаки, эндиликда беморларга аниқ ва тўғри ташхис қўйиш самарадорлиги бир неча баробарга ошади. Бу эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Инобат МАТЁҚУБОВА**

Фарғона вилояти

## БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

*Фарғона шаҳридаги 200 нафардан ортиқ имконияти чекланган болалар тарбияланаётган “Мурувват” уйи давлат маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирдан чиқарилди.*

“Фарғона меъмор қурилиш” хусусий корхонаси томонидан таъмирланган “Мурувват” уйида қўшимча яна янги ўқув ва ётоқхона биноси, қишки бассейн, кинозал, соғломлаштириш хоналари қурилди. Замонавий қиёфа касб этган масканнинг иситиш тизими ҳам янгиланиб, тежамкор қозонлар ўрнатилди. Кир ювиш хонаси, дам олиш жойлари янгидан бунёд этилди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Жиззах вилояти

## ДАШТОБОДНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

*Зомин туманининг Даштобод шаҳрида янги деҳқон бозори фойдаланишга топширилди.*



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, қурилиш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эришилаётган натижаларга тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, бозор қурилишида фаол иштирок этганларга эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мазкур бозорнинг ҳудуди 4,5 гектар бўлиб, 4 та павильонда 360 та савдо ўрни барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги, сут, гўшт, озиқ-овқат, нон маҳсулотлари савдоси учун алоҳида бўлимлар ва шохобчалар юзага келтирилди. Шу билан бирга 120 метр квадрат майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омбори, 9 минг метр квадрат майдонда автомобиль тўхташ жойи қурилди.

170 метрлик қудуқ ковланиб, бозор ҳудудига ичимлик суви тармоғи тортилди. Айни вақтгача мазкур иншоот қурилиши учун ажратилган 11 миллиард 239 миллион сўмнинг 7 миллиард сўми ўзлаштирилган. Келгусида 400 метр квадрат майдонда автомобиль машиналари бозори бунёдга келтирилади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Наманган вилояти

## СПОРТСЕВАР ЁШЛАРГА ТУҲФА

*Наманган тумани Тошбулоқ шаҳарчасидаги стадион Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг молиявий кўмаги билан капитал реконструкция қилиниб, 9-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчи-ёшларига туҳфа этилди.*

Ўн минг нафар томошабинни сиғдира оладиган мазкур иншоотда бир вақтнинг ўзида спортнинг 18 тури бўйича мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган. Яъни футбол, воллейбол, баскетбол, узунликка сакраш, югуриш майдончалари мавжуд. Шунингдек, бу ерда спортчи ёшларга ювиниш-кийиниш, тиббиёт ҳамда мураббийлар учун ўқув-услубий хоналар барпо этилди. Улар зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**

**Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан “Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.**

## ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари депутатлари, “Фаол аёллар” қаноти етакчилари, Хотин-қизлар қўмиталари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларини тартибга солувчи қонунлар мазмун-моҳияти билан аҳолини яқиндан таништиришга эътибор қаратиш лозимлиги муҳокама қилинди.

Жорий йилда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган Қонунлар, Президентимизнинг қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Соғлом она ва бола йили муносабати билан оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳит яратиш, болаларни жисмонан соғлом, интеллектуал ривожланган этиб тарбиялашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

**Латофат БЎРИЕВА**

Сирдарё вилояти

ПАРРАНДАЧИЛИК

## СЕРДАРОМАД ТАРМОҚ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Гулистон шаҳрида паррандачиликни ривожлантириш истиқболлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган семинар ўтказилди. Унда таъкидланганидек, вилоятда паррандачиликни ривожлантириш, аҳолига тухум ва парҳез гўшт етказиб бериш ҳажмини ошириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.**

Хусусан, кейинги йилларда вилоятдаги 75 та паррандачилик фермер хўжалигида парваришланаётган паррандалар сони 1,7 миллиондан ошиб, шу кунга қадар аҳоли дастурхонига 124,6 миллион донадан зиёд тухум етказиб берилди. Бугунги кунда паррандалар сонини кўпайтириш баробарида маҳсулдорликни ошириш паррандачилик хўжаликлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Маълумотларга кўра, илгари жўжалар 150 кунда тухумга кирган бўлса, эндиликда бу муддат 50-53 кунгача қисқарди. Парҳез гўшт етиштириш жараёни 40-45 кунни ташкил этаётир. Натижада маҳсулдорлик ошмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, бу соҳада тез маҳсулот етиштириш ва фойда олиш мумкин, яъни кўп харажат талаб қилинмайди. Хона ҳарорати мўътадил, озуқа етарли бўлса, кифоя. Масалан, гўшт етиштириш учун парваришланаётган товуқ 40



кун ичида бемалол 2 килограмм тош босади. Битта товуқдан йилига 305-315 донагача тухум олинади.

Буни яхши тушунган тадбиркорлар паррандачилик хўжаликларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга киришмоқда. Паррандачилик корхоналарида иқтисод қилинган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилаётир. Ветеринария хизмати яхши йўлга қўйилгани туфайли хавфли касалликларнинг олди олинаётир. Бу борада ҳам замонавий технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўтган йили молия муассасаларининг кўмаги ва фермер хўжаликларининг ўз маблағлари эвазига ташкил этилган янги хўжаликларда кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, эл дастурхонига файзу барака киритиш баробарида, иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилаётир.

Зеро, паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурдан кўзланган асосий мақсад аҳолини сифатли парҳез парранда гўшти ва тухум маҳсулотлари билан таъминлашни янада кўпайтиришдан иборатдир.

Семинарда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

БУГУН – ЖАҲОН СУВ-БОТҚОҚЛИ ҲУДУДЛАР КУНИ

## ОНА-ТАБИАТГА ЮКСАК МЕҲР, ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

### ЧУНКИ УНИНГ ҲАР БИР БЎЛАГИДА ҲАЁТ УНСУРЛАРИ МУЖАССАМ

**Инсон ва унинг атрофини ўраб турган муҳит ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, табиатдаги мувозанатни сақлаш, унга тўғри ва оқилона муносабатда бўлиш ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, табиатда мавжуд бўлган сув-ботқоқ ерлари ҳам катта иқтисодий, маданий ва рекреациявий аҳамиятга молик манба ҳисобланиб, уларни йўқотиш табиий мутаносибликка ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.**

Инсониятнинг сув-ботқоқ ерларига кучайиб бораётган тажовузи олдини олиш, унга нисбатан тўғри муносабатни кучайтириш мақсадида сув-ботқоқ ҳудудлари ҳақидаги халқаро Конвенцияни ишлаб чиқишга зарурат туғилди. Шундан келиб чиқиб, 1971 йилнинг 2 февралида Эроннинг Рамсар шаҳрида “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”-ги Конвенция қабул қилинди. 2011 йилнинг июль ойи ҳолатида мазкур Конвенцияга 160 давлат қўшилиб, дунё бўйича майдони 190 миллион гектарга тенг бўлган 1950 та сув-ботқоқ ҳудудлари Халқаро аҳамиятдаги сувли-ботқоқ ерлар рўйхатига киритилган.

Сув-ботқоқ ҳудудлари нафақат ҳар хил турдаги балиқ ва қушларни муҳофаза қилишдаги ўрни билан, балки биологик ва ландшафтлар хилма-хиллигини сақлаш, сувни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигини юритиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқлимий омилларни юмшатиш, экотуризимни ривожлантириш ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан муҳофаза қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Рамсар Конвенциясига қўшилди ва ушбу қарор 2002 йилнинг 8 февралидан кучга кирди. Майдони 31,3 минг гектарга тенг Денгизкўл ҳамда майдони 527,1 минг гектар бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими Рамсар рўйхатига киритилди.

Мазкур Конвенция яшаш ареал (ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бирор тури тарқалган жой)лари нафақат бир давлат ҳудудида жойлашган, балки уя қуриш, учиб ўтиш, қишлаш ареаллари турли давлатлар чегарасида жойлашган қуш турлари, шунингдек, Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг (ТМХИ) Қизил рўйхатига киритилган, ҳаётининг маълум қисмида республикамиз ҳудудида яшовчи қуш турларини ҳам муҳофазалашда муҳим ўрин тутади.

Конвенциянинг 2-моддасида Рамсар рўйхатига киритиш учун сув-ботқоқ ерлар экология, ботаника, зоология, лимнология ёки гидрология нуқтаи назаридан, уларнинг халқаро аҳамияти асосида танланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикамиздаги ушбу рўйхатга киритилган кўллардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва умуман Конвенция талабларини тўлақонли бажаришда сув-ботқоқ экотизимларида кадастр ва мониторингга асосланган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим саналади.

Конвенциянинг 3-моддасида аҳдлашувчи томонлар ўз режаларини Халқаро аҳамиятдаги сув-ботқоқ ерларнинг рўйхатига киритилган шу хилдаги ерларни муҳофаза қилишга кўмаклашиши, шунингдек, имкон қадар ўз ҳудудидаги сув-ботқоқ ерларни оқилона ишлатиш мумкин бўладиган қилиб белгилаши ва уни амалга ошириши кераклиги белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастурларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, табиатга салбий таъсир қилувчи омиллар оқибатларини юмшатишга хизмат қилувчи илмий тадқиқотларни ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, турли мавсумларда ва миграциялар даврида қушлар йиғиладиган кўлларни аниқлаш, ҳаёти сув ҳавзалари билан узвий боғлиқ бўлган турларнинг табиий ареалларини ўрганиш, ареалларнинг қисқаришига, тур таркиби ва популяция сонининг камайишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш долзарб вазифалардан саналади. Бундан бир неча йиллар илгари олиб борилган тадқиқотлар натижалари эса эндиликда вазиятни тўғри ва тўлиқ баҳолаш учун етарли эмас.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент вилояти

ТАРАДДУД

# ҲАР ДОНАСИДА ҲОСИЛ БАРАКАСИ БОР

## “ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАРИДА СИФАТЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Тошкент вилоятида сўнгги йилларда барча соҳалар қатори пахтачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиб келинмоқда. Бу борада ўтган йилги натижалар, айниқса, қувонарли бўлди. Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида вилоятнинг пахтачиликда салмоқли ютуқларни қўлга киритган Юқоричирчиқ ва Бўка туманлари фермерларининг фидокорона меҳнатлари алоҳида эътироф этилди.**



– Пахтачиликда ҳам мўл ҳосил етиштиришнинг ўзига хос омиллари бор, – дейди Бўка туманидаги “Азизмуҳаммад” фермер хўжалиги раҳбари Рўзимурод Ғафуров. – Бунда энг асосий жиҳатлардан бири сифатли уруғдир. Биз ҳар йили пахтачиликда гектаридан 42-45 центнер ҳосил кўтаряпмиз. Ютуқларимизда уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослашган корхоналарнинг алоҳида ҳиссалари бор.

Вилоят фермерлари бу йил ҳам эришаётган натижаларини янада мустаҳкамлашни ўз олдиларига мақсад қилишган. Эрта кўкламда экиш режалаштирилаётган 89 минг 100 гектар ерга 7 минг тонна уруғлик чигит лозим бўлади. Бу ҳақда гап борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йили вилоятда уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашган 254 та фермер хўжалигидан 18 минг 708 тонна сифатли хомашё қабул қилиб олинган эди. Пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида ушбу “С-6524”, “Султон”, “Наманган-77”, “Ан-Боёвут-2”, “Келажак” ҳамда селекционер олимларимиз томонидан яратилиб, вилоятда синовдан муваффақиятли ўтаётган янги “Ўз ПИТИ-103”, “Ўз ФА-703”, “Наврўз”, “С-5707”, “С-6560” сингари навлардан иборат уруғлик пахта алоҳида ажратилиб, сифатли сақлаш учун барча чоралар кўрилди. Чигитни ажратиб олиш жараёни ҳам мутахассислар назорати остида амалга оширилди. Республика миқёсида ташкил этилган бир ҳафталик ўқув курсларида вилоятдан 5 нафар уруғчилик цехлари бошлиқлари малакаларини ошириб, махсус синовлардан ўтдилар. Ишни бошлашдан аввал Қуйичирчиқ туманидаги “Мустақиллик” пахта тозалаш корхонасига қарашли “Кетмонтепа” уруғлик цехида 2016 йил ҳосили учун уруғлик пахтани тозалаш ва чигитини саралаш, туксизлантириш, зараркунандалар ҳамда касалликларга қарши дорилашга бағишланган вилоят кўргазмали семинари ўтказилди. Айни кунларда режалаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш бўйича Оққўрғон туманидаги “Алимкент”, Қуйичирчиқ туманидаги “Мустақиллик”, Бекобод туманидаги “Далварзин”, Ўртачирчиқ туманидаги “Тошкент сара уруғ” МЧЖ ҳамда Бўка туманидаги ихтисослаштирилган цехларда қизғин фаолият олиб борилмоқда.

“Мустақиллик” пахта тозалаш корхонасига қарашли Испания технологияси асосида ишлаётган “Кетмонтепа” уруғлик чигит тайёрлаш цехи жамоаси 900 тонна сифатли маҳсулот тайёрлашни ўз зиммасига олган. Ҳозирга қадар 600 тоннадан зиёдроқ уруғлик тайёрлашга эришилди. Самарали фаолият юритиш учун жамоада барча шароитлар яратилган бўлиб, иш жараёни 3 навбатда ташкил этилган. Мутахассис ва ишчилар махсус кийимлар ҳамда иссиқ овқат билан таъминланган.

– Ушбу хорижий технологиянинг афзаллиги шундаки, – дейди цех бошлиғи Ўрозбой Азимов, – у бир вақтнинг ўзида чигитни туксизлантиради, элаб, саралайди. Уруғнинг давлат стандарти талаблари асосида бўлишини таъминлайди. Ишни намунали ташкил этишда Илҳом Донаев, Ҳусниддин Узоқов ҳамда Рашид Нургалиевлар алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда. Ўртачирчиқ туманидаги “Тошкент сара уруғ” МЧЖда, Оққўрғон туманидаги “Алимкент” ҳамда Бўка туманидаги уруғлик чигитни туксизлантириш ва дорилаш цехларида ҳам барча ишлар ўз вақтида амалга оширилмоқда.

– Барча жараёнлар “Давуруғназорат” ҳамда Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази мутахассислари кузатувида олиб борилмоқда, – дейди вилоят “Пахтасаноат” ҳудудий филиалининг уруғлик тайёрлов масалалари бўйича бош мутахассиси Худойберган Жабборов. – Цехларимиз қошида ташкил этилган лаборатория ходимлари ҳар икки соатда уруғларнинг унувчанлигини таҳлил этишмоқда. Уруғлик чигит бир йўла ғўза униб чиққунча учраши мумкин бўлган касалликларга ҳамда турли зараркунандаларга қарши дориланяпти.

Жойларда уруғлик чигит тайёрлашнинг бориши билан танишиб қайтар эканмиз, Бўка туманидаги уруғлик чигитни дорилаш цехи бошлиғи Улуғбек Нишонов айрим фермерларнинг цехга келиб, ҳозирданоқ уруғлик чигит сифати билан астойдил қизиқишаётганини, тайёрлаш ва сақлаш жараёнларини кузатиб кетишаётганлигини айтиб қолди. Буни эшитиб шундай хулосага келдик: демак, жорий йилда “оқ олтин” хирмонларимиз янада сарбаланд бўлади.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti”мухбири.**

*Президентимиз раҳнамолигида юртимизда молия-банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида аоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланиб бормоқда. Аҳолининг банкларга бўлган ишончи уларнинг фаолияти янада такомиллашишига, иқтисодиёт мустаҳкамланишга хизмат қилмоқда. Биргина аҳоли омонатлари билан боғлиқ муносабатларни олиб кўрайлик.*

# ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Хусусан, аҳолининг омонатга қўйилган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод қилингани, яъни уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги ҳамда омонатларнинг қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани билан боғлиқ имтиёзлар туфайли банклардаги депозитлар ҳажми йил сайин ошиб бораётир. Жумладан, депозитга қўйилаётган маблағларнинг миқдори сўнгги беш йилда 3,6 маротабага, биргина ўтган йилда эса 28 фоизга ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишнинг рағбатлантирувчи ҳуқуқий асослари ҳам шакллантирилди.

Бу борада Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ омонатга қўйилган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган бўлиб, омонатчилар ушбу маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича мамлакатимиз тижорат банклари ўртасида ўтказиб келинаётган танлов молия муассасаларининг бу борадаги фаолиятини кучайтириш ва янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Танловнинг бу галгисида 26 та тижорат банки, унинг 854 та филиали, 4290 дан зиёд минибанк ва махсус кассаси қамраб олинди. Унда тижорат банкларининг аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасидаги фаолияти саккизта асосий ва ўн битта қўшимча номинация бўйича баҳоланди. Пировардида ғолибликка даъвогарлар орасидан энг муносиблари сараланди.

Танлов натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки “Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки”, дея эътироф этилди. Бундан ташқари, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг амалиёт бошқармаси “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали”, “Алоқабанк”нинг Кармана тумани Навоий филиали “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали”, “Микрокредитбанк”нинг Косонсой филиали эса “Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали” борасидаги ютуқлари учун танловнинг асосий совриндорлари, деб топилди.

Шунингдек, танловда “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки” сифатида “Қишлоққурилишбанк”нинг Фарғона филиали “Фарғона” минибанки, “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки” сифатида “Микрокредитбанк”нинг Пскент филиали “Муротали” минибанки, “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси” номинацияси бўйича “Ипотека банк”нинг Қашқадарё филиалига қарашли 8-сонли жамғарма кассаси, “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси” бўйича эса “Инвест финанс банк”нинг Зангиота филиалига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси ғолиб, деб эътироф этилди.

Бундан ташқари, қўшимча номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Бухоро Вилояти

*Бухоро туризм касб-ҳунар коллежида “Баркамол ёшлар – Ўзбекистон келажаги!” деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ!

Эзгу мақсадга йўналтирилган тадбирда турли миллатга мансуб талаба ва ўқувчи-ёшлар, маҳалла фаоллари, фахрийлар, вилоятдаги миллий-маданий марказлар вакиллари иштирок этишди.

Анжуман аввалида Бухоро туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик, тикувчилик, меҳмонхона ва туризм иши, миллий дизайн санъати йўналишлари бўйича ижодий ишлари ҳамда рус, корейс, туркман, қозоқ, немис, татар-бошқирд миллий-маданий марказлари билан ҳамкорликда тайёрланган миллий таомлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари “Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли: миллатлараро муносабатлар йўналишидаги оқилона сиёсат”, “Ўзбекистон ёшлари – ҳамжиҳатлик билан ягона мақсад сари!”, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзуларидаги илмий маърузаларни қизиқиш билан тинглашди.

Анжуманга таклиф этилган фахрийлар, маҳалла фаоллари ёшлар билан ўзаро суҳбатлар жараёнида уларга дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва динлараро низоли вазиятлар рўй бериб турган бугунги кунда кўпмиллатли халқимизнинг бағрикенглиги, ҳамжиҳатлиги мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ҳамда барқарорликнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилаётганлигинини таъкидладилар. Ўзбекистон халқига хос бўлган бундай фазилатларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда ана шундай тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этдилар.

Тадбирда ёшлар томонидан жонажон юртимизнинг тинчлигини, халқимизнинг фаровон турмушини ҳамда юксалиш одимларини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Навоий Вилояти

ИРРИГАЦИЯ

# ТОМЧИСИ ЗАР, ҚАТРАСИ ДУР

*Сувдан оқилона фойдаланиш, суғоришда илғор ва тежамкор усулларни қўллаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сойлар, каналлар ва дарёлар қирғоқларини, муҳофаза ҳудудларини мустаҳкамлаш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида Навоий вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.*

Жумладан, Нуротадаги интенсив боғлар, томчилатиб суғориш технологиялари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида вилоятнинг Кармана тумани “Янгиобод сувчи” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги “Севолтепа равнақи” фермер хўжалигида ўтказилган агротехник ва сув ишлари тажрибаси бу борада яна бир янгилик бўлди. Мазкур фермер хўжалиги ҳудудидан мавсум бошида синов ва назорат учун 9 гектардан тажриба майдончалари танланиб, лазер қурилмаси ёрдамида ноль нишаблик ҳолатига қадар текисланди.

– Аслида ҳар қандай экин майдони ҳар етти йилда капитал, ҳар йили эса жорий текисланиши лозим, – дейди “Кармана-Конимех” ирригация тизими бошқармаси етакчи мутахассиси Норпўлат Нарзиев. – Айни агротехник тадбирларни ўз муддатларида амалга оширмаслик, 25-30 фоизга қадар сувнинг исроф бўлишига олиб келади.

Шундан сўнг мазкур майдонларда кўп йиллик тажриба ва технологик харитага таянилиб, ғўза белгиланган муддатларда экилди. Шунинг баробарида ғўза қатор ораларига агротехник талабларга қатъий амал қилинган ҳолда ишлов берилиб, ҳар иккала майдон учун ҳам қулай суғориш схемаси танланди, яъни синов майдони учун эгат оралатиб суғориш тизими қўлланган бўлса, назорат майдони учун эса ҳар бир эгатга сув бериш усули сақлаб қолинди. Мазкур усуллар самарадорлигига тўхталишдан олдин уларнинг статистикасига эътибор қаратсак. Олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра биринчи суғоришда синов майдонига 12420 куб метр сув берилиб, майдондан 950 куб метр миқдорида оқова сув чиқарилди. Натижада далага берилган фойдали сув ҳажми 11470 куб метрни ташкил этиб, бу ҳар бир гектар ғўза майдонига 1275 куб метр демакдир.

Назорат майдонида эса ғўзага биринчи суғоришда жами 25740 куб метр сув берилиб, майдондан 2284 куб метр сув чиқиб кетди. Бошқачароқ айтсак, фойдали сув ҳажми 23456 куб метр ёки гектар бошига 2606 куб метрга тенг бўлди. Хуллас синов майдонидаги афзалликлар биринчи сувдаёқ яққол кўзга ташланди. Яъни сув сарфи ва сув йўқотиш икки баравардан ошиқроққа камайди.

– Эътиборлиси, синов майдонида ерлар одатдаги 30-40 сантиметр ўрнига 60 сантиметргача қадар юмшатилганлиги туфайли ғўза 26 кундан кейин, назорат майдонига нисбатан олти кун кеч иккинчи сувга келди, – дейди Норпўлат Нарзиев. – Иккинчи сувда ҳам синов майдонида 1,3 марта кам сув сарфланди. Учинчи сувда эса бу фарқ 1,42 бараварни ташкил этиб, ғўзанинг сувга келиш муддати синов майдонида яна икки кунга сурилди.

Лойиҳа доирасидаги тажрибада ғўза майдонлари вегетация даврида беш-олти маротаба ўрнига тўрт маротаба суғорилиб, сув икки бараварга иқтисод қилинишига эришилди. Тежалган сув ресурслари ҳисобига фермер далаларидаги ташландиқ ерлардан беш гектари буғдой, олти гектари эса боғ учун ўзлаштирилди. Боғ ҳам замонавий технология-томчилатиб суғориш тизими асосида барпо этилиб, унинг барча коммуникацияси тортилди. Албатта, буларнинг барчаси фермерга яқин истиқболда кенг тармоқли фермер хўжалиги сифатида фаолиятини кенгайтириш, боғда етиштирилган мева ҳисобидан ташқи бозорга чиқиш имконини беради. Янгиликнинг яна бир жиҳати эса вилоятда сув таъминоти юкини енгиллатиши билан боғлиқдир.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ОНА-ТАБИАТГА ЮКСАК МЕҲР, ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

## ЧУНКИ УНИНГ ҲАР БИР БЎЛАГИДА ҲАЁТ УНСУРЛАРИ МУЖАССАМ

**(Боши 1-саҳифада)**

Конвенциянинг 4-моддасида ҳар бир аҳдлашувчи томон сув-ботқоқ ерларни ва сувда сузувчи қушларни сув-ботқоқ ерларда табиий резерватлар тузиш йўли билан муҳофаза қилишга ёрдам бериши, сув-ботқоқ ерлардан оқилона фойдаланиш йўли билан сувда сузувчи қушлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилиши белгиланган. Келажакда Рамсар рўйхатига кирган сув ҳавзаларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш ва бу ерларда қўним топган турларнинг кўпайиши учун қулайлик яратиш мақсадида турли биотехник тадбирларни ўтказиш ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Юртимиздаги асосий сув манбалари трансчегаравий хусусиятга эга бўлган Амударё ва Сирдарё дарёлари билан узвий боғлиқ. Ички кўллар сув сатҳидаги ўзгаришлар ҳам мазкур дарёларнинг йиллик сув ҳажми билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу масаланинг ўта долзарблиги яққол намоён бўлади.

Шунингдек, Конвенциянинг 5-моддасида аҳдлашувчи томонлар ушбу Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича, айниқса, сув-ботқоқ ерлар бирдан ортиқ аҳдлашувчи томонлар ҳудудларида жойлашган бўлса ёки сув тизими бирдан ортиқ аҳдлашувчи томоннинг ҳудуди таркибида бўлганда, бир-бирлари билан маслаҳатлашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса республикамиздаги сув-ботқоқ ҳудудларини тўлақонли муҳофаза қилишда Конвенциянинг бошқа иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда Рамсар Конвенцияси сув ҳавзаларини нафақат сув ва сув олди қушларининг яшаш муҳити сифатида муҳофаза қилишни, балки ҳавзадан чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларда фойдаланишни, инсон ҳаётидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда комплекс ўрганиш ва муҳофаза қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Натижада Конвенция мазмун-моҳиятан кенгайиб, аҳамияти янада ошди. Ҳудуддаги турлар хилма-хиллиги ва бутун экотизимни сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатга айланди. Буни Рамсар Конвенцияси тарафдорларининг 1990 йил Швейцарияда бўлиб ўтган IV конференциясида қабул қилинган Халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудларини аниқлаб олиш мезонларида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, сув-ботқоқ ҳудудларини Рамсар рўйхатига 9 та муҳим халқаро мезонларга асосан киритиш режалаштирилди.



Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ҳududдаги иқлимий омилларни юмшатишга, миллатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини сақлаб қолишга хизмат қилувчи сув-ботқоқ экотизимлари таркибида содир бўлаётган турли салбий ўзгаришларнинг олдини олиш чуқур таҳлилга асосланган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Айниқса, Орол денгизининг таназзулга юз тутиши, трансчегаравий хусусиятга эга бўлган дарёлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга нисбатан ёндашувларнинг турлича эканлиги табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, ушбу масалага жамоатчилик эътиборни ошириш ва бу борадаги халқаро тажрибадан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги қарори билан қабул қилинган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури”нинг 63-бандида сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ ерлар тўғрисидаги Конвенция рўйхатига Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборларини киритиш режалаштирилган. Мазкур чора-тадбирни амалга оширишга Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масъул бўлиб, ушбу тадбирни Рамсар Конвенцияси Котибияти маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистонда қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллаган 500 та кўллар бўлиб, шундан 4 таси (Судочье, Қорақир, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Денгизкўл) буюртмахона мақомига эга. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд сифатида сув ҳавзаларининг салмоғи анча кам, яъни буюртмахона мақомига эга бўлган кўллар республикамизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдонининг атиги 7,5 фоизини ташкил этади. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, келажакда мазкур Конвенция талабларига жавоб берадиган Жалдирбас, Судочье каби қатор сув ҳавзаларини Рамсар рўйхатига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ташаббуси билан “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон аъзо бўлган Рамсар Конвенцияси билан бир қаторда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга алоқадор бўлган бошқа халқаро шартномаларнинг миллий қонунчилигимизга мос жиҳатларини акс эттиришга ҳам ҳаракат қилинаётир.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш борасидаги устувор йўналишлардан бири ҳам минтақамизда соғлом экологик вазиятни сақлаб қолишга қаратилган. Сув-ботқоқ ҳудудлари эса экологик тизимлар барқарорлигини таъминлашда тизим занжирининг муҳим бир ҳалқаси сифатида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистондаги сув-ботқоқ ҳудудларининг Рамсар рўйхатига киритилиши, Конвенцияда белгиланган ҳуқуқий меъёрларнинг миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши, ушбу меъёрлар ижросини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ўз самарасини беради, албатта.

**Фарҳоджон ҚУВВАТОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.*

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ – 13:

**Лот 13-1. "Қоракўл туманидаги 256 ўқувчи ўрнили 27-сонли мактабни реконструкцияси ва 96 ўқувчи ўрнили янги ўқув блоки ва 9x18 м. ўлчамли спортзал қурилиши".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 949 620 000 сўм, ҚҚСсиз 791 350 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

ЛОТ – 14:

**Лот 14-1. "Олот туманидаги 1176 ўқувчи ўрнили 25-сонли мактабни реконструкция қилиш".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 591 404 000 сўм, ҚҚСсиз 1 326 170 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 14-2. "Ромитан туманидаги 1176 ўқувчи ўрнили 2-сонли мактабни реконструкция қилиш".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 564 270 000 сўм, ҚҚСсиз 1 303 558 330 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 14-3. "Бухоро шаҳридаги 1176 ўқувчи ўрнили 22-сонли мактабни реконструкция қилиш".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 569 595 000 сўм, ҚҚСсиз 1 307 995 830 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

ЛОТ – 15:

**Лот 15-1. "Коғон туманидаги 9-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 517 352 000 сўм, ҚҚСсиз 431 126 660 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 15-2. "Шофиркон туманидаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 651 756 000 сўм, ҚҚСсиз 543 130 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 15-3. "Жондор туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (5-этап)".**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 140 000 000 сўм, ҚҚСсиз 950 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 ноябрь.

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи**: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 6-уй.

**Изоҳ:** *Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.*

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ЛОТ-20-4 ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот-20-1. "Қорақалпоғистон Республикаси "Нукус туманидаги "Нукус" коллекторини қуриш. "Нукус" коллектори ПК55+00 дан ПК220+73 гача (II-босқич)".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:** 4 974 378 145,0 сўм (ҚҚС ва ЯИТсиз), 4 990 426 134,0 сўм ҚҚСсиз. **Ишларни туғаллаш муддати** – 16 ой.

**Лот-20-2. "Бухоро вилояти Пешку туманидаги "Шимолий" коллекторининг 9-тармоғида (ПК155+00) мелиоратив насос станциясини қуриш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:** 1 553 117 252,0 сўм (ҚҚС ва ЯИТсиз), 1 577 197 350,0 сўм ҚҚСсиз. **Ишларни туғаллаш муддати** – 5 ой.

**Лот-20-3. "Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги "Жилвон" коллекторининг (ПК98+00)-да мелиоратив насос станциясини қуриш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:** 1 088 830 720,0 сўм (ҚҚС ва ЯИТсиз), 1 108 349 819,0 сўм ҚҚСсиз. **Ишларни туғаллаш муддати** – 5 ой.

**Лот-20-4. "Жиззах вилояти Мирзачўл туманида "Мирзачўл", "Ўзбекистон", "Янги дала", "Тошкент" ва Р.Ҳайдаров номли СИУлар ҳудудидаги коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:** 1 559 561 362,0 сўм (ҚҚС ва ЯИТсиз), 1 567 416 555,0 сўм ҚҚСсиз. **Ишларни туғаллаш муддати** – 10 ой.

*Бошқа шароитларда кичик бизнес субектлари маъқул топилади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-хона. Тел: 241-15-32, факс: 241-15-26.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 200 000 (икки юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 13-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ТИКЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот 4-1. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги узунлиги 165,647 км. бўлган "К-13, К-8, К-2" коллекторларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1593,710 млн. сўм; (меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ставкасисиз) ҚҚСсиз 1584,742 млн. сўм. **Ишларни бажариш муддати** – 240 кун.

**Лот 4-2. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мелиоратив тик қудуқларни таъмирлаш-тиклаш ишлари.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 481,240 млн. сўм; (меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ставкасисиз) ҚҚСсиз 475,780 млн. сўм. **Ишларни бажариш муддати** – 120 кун.

**Лот 4-3. Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги узунлиги 169,500 км. бўлган К-1, К-3, К-5, К-6, К-7, К-9, ВСТ чап тармоқ коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1647,715 млн. сўм; (меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ставкасисиз) ҚҚСсиз 1636,641 млн. сўм. **Ишларни бажариш муддати** – 240 кун.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри Малик Қаҳҳор кўчаси 10-уй. Тел: 223-34-41, 222-75-29 ф.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мазкур танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 35 фоизни ташкил қилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даврхитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36а-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб – 70 000 сўмдан 120 000 сўмгача.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уйда ўтказилади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GRAND ELEKTRO MONTAJ SERVIS" МЧЖнинг (СТИР 302842382) ташкилий-ҳуқуқий шакли "GRAND ELEKTRO MONTAJ SERVIS" ХКга ўзгартирилади. Даъволар Тошкент ш. Юнусобод т. А.Темур шоҳкўч. 129 А уй манзилида қабул қилинади. Тел.: 99871 212-36-76.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК Яккасарой т. хизмати томонидан Джаббаров Улуғбек Каримбаевич номига Яккасарой т. Бобур кўч. 67/7 уй 31-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-5:

**ЛОТ 5-1. Асака тумани "Зарбдор" ҚФЙ "Файзобод" МФЙдаги ташқи сув тармоғини (2,0 км.) реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 261.961.291 сўм, ҚҚСсиз 218.301.076 сўм. **Ишларни туғаллаш муддати** – 90 кун.

**ЛОТ 5-2. Балиқчи тумани "Олимбек" ҚФЙ "Истиқлол" МФЙдаги 33/2016-сонли сув қудуғи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 152.338.134 сўм, ҚҚСсиз 126.948.445 сўм. **Ишларни туғаллаш муддати** – 90 кун.

**ЛОТ 5-3. Қўрғонтепа тумани "Савай" ҚФЙ "Нафосат" МФЙдаги ташқи сув тармоғи (2,0 км.) ва №20/2016-сонли сув қудуғи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 318.790.059 сўм, ҚҚСсиз 265.658.383 сўм. **Ишларни туғаллаш муддати** – 90 кун.

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Андижон шаҳри Навоий кўчаси 45-уй. Тел: (998 74) 223-61-08, 223-08-28.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

*Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри Навоий шоҳкўчаси 30-уй. Тел/факс: 223-57-05.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- **Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (3-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 3862,205 млн. сўм, ҚҚСсиз 3218,504 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 365 кун.

- **Сурхондарё вилояти Музработ тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1830,129 млн. сўм, ҚҚСсиз 1525,107 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 300 кун.

**Лот 18-1. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги эндокринология диспансерини оилавий поликлиникага айлантириш учун реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 723,415 млн. сўм, ҚҚСсиз 602,846 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 300 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даврхитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-а уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-А уйда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ СУРХОНДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Сурхондарё минтақавий филиали ҳудудида ошхона ва архив биноси қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 382,195 млн. сўм, ҚҚСсиз 318,495 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Буюртмачи:** "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Сурхондарё минтақавий филиали.

**Манзили:** Термиз шаҳри А.Навоий кўчаси 45а-уй. Тел: (0-376) 224-26-89, 224-26-90 ф.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** – "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даврхитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-а уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-А уйда ўтказилади.

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ СЎЗ



*Кўнгилга йўл топиш қийин. Бу борада олтину жавоҳир ёки зулм ва куч ҳам ожиз. Лекин топиб айтилган бир оғиз яхши сўз дилни эрита олади, сеҳрлай билади. Асрлар ўтса-да, неча элларда, неча минг-минг дилларда ардоқ топаётган мумтоз адабиётимиз намояндалари асарлари бунга гувоҳ.*

“Кишидин то қиёматғача боқи қолотурғон ёдгор ва фарзанди саодатосор яхши сўздурким, онга замон ҳаводисининг офати зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг ғубори асари ҳаргиз аҳволи бошиға тушмас. Алқисса, сўз мартабаси ниҳоятсиз баланд ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржуманддурлар”. Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб ушбу сатрларни ўқиганимизда, сўз туфайли боқийлик бахтига мушарраф бўлган буюк бобокалонларимиз, аввало, Алишер Навоий сиймоси хаёлимизда жонланади. Бунинг боиси, устозлари сингари Навоий бобомиз ҳам ўзлари таъкидлаганларидек, одамни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган ва ҳар қандай гавҳардан ҳам аъло сўз қадрини баланд тутиб уни инсон камолоти ва бахту саодати кўзланган эзгулик аталмиш амалга чоғлагани ҳамда беназир иқтидор, ихлосу заҳматлари туфайли бу юмушни юксак даражада адо эта олганлигидандир.

Навоий асарлари ўз мазмун-моҳияти ила бизни ҳаёт аталмиш бепоён йўлнинг пасту баландидан, яхши-ёмонидан, хатарли бурилишларидан огоҳ этади, нурли манзиллари сари ундайди. Бир сўз билан айтганда, мутафаккир шоир одам зотини комиллик даражасида кўришни орзу қилади. Кишиларни юксак эътиқодга, инсоф ва диёнатга, адолат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатга чорлайди. Бу ғояларни бевосита одоб-ахлоқ мавзуига бағишланган ҳамда бугунги кунда халқ тилида ҳикматга айланиб кетган қитъалари, рубоийлари, фардларидан ташқари ишқ-муҳаббат йўналишидаги ғазалларида ҳам кузатиш мумкин.

Олам аҳлини бир-бирови билан аҳил, дўст, ҳамкор бўлишга чорлаган шоир таъсирчан қиёслар, тимсоллар ва ташбеҳлар орқали озор кўришни истамасанг, аввало ўзинг бировга озор етказма, ҳатто қудратинг филча бўлса-да, пашшаға ҳам озор бермагил, дея огоҳлантиради. Зеро, бировга ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди, яъни бировни ноҳақ йиғлатганнинг ўзи ҳам йиғлайди.

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага – ҳусн шоҳига илтижою ўтинчлари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоб янглиғ жаранглайди.

***Коме турмак ғанимат***
***англа даврон аҳлиға,***
***Эй ғани, бу дамки коминг***
***бирладур даврон ҳануз.***

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик қолсин. Негаки, давр ўткинчи, даврон ғанимат. Эртанги ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

Шоир наздида бировнинг оғирини енгил, мушкулини осон этиш, муродига етишувида кўмак қўлини чўзиш – инсоний фазилат ва бу борадаги бир фурсатлик хайрли юмуш юз йиллик давру даврондан, тожу тахт соҳиблигидан аълороқдир.

***Кимса юз йил комронлиғ***
***қилса билким, арзимас,***
***Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа***
***биров коми била.***

Ҳаётий тажрибалар маҳсули сифатида билдирилган шоир фикрича сабр, инсоф, нафсини жиловлай билиш, айниқса, қаноат ҳар кишининг иззатли ва ҳурматли бўлишига сабаб. Тўғрилик, рост сўз ва ҳалоллик, садоқат эса ҳар кимсанинг хавфу хавотирдан эмин бўлишига, кўнгил хотиржамлигига заминдир. Бу борада ўқдин мисол ол, дея таъкидлайди шоир. Тўғрилигидан узоққа боради. Ёй эса эгрилигидан қўл оёғи чандилган, тузоққа тушган.

***Туз бўл ўқдек гар тиларсан***
***авж, ёким эгридур-***
***Давр ҳар гўшадин бўғзига***
***солибтур кериш.***

Ҳа, Навоий ҳазратлари сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишга даъват этади. Ҳеч шубҳасиз, бу даъват маънавиятнинг юксалишига то абад хизмат қилаверади.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**
*Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими.*



## Маданият хабарлари

Қашқадарё Вилояти

## ИСТЕЪДОДЛИЛАР МАСКАНИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

*Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида келгусида Қашқадарё вилоятида 13 та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилади ва мукаммал реконструкция қилинади.*

– Қарорга мувофиқ, вилоятда тўртта болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан бунёд этилади, тўққизтаси эса тўлиқ реконструкция қилиниб, тегишли талабларга мослаштирилади, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали қурилиш бўлими бош мутахассиси Ойбек Қиёмов. – Хусусан, 2016 йил битта болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилса, яна бири реконструкция қилинади. Янгидан барпо этиладиган тўртта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Ғузор, Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида қад ростлаши белгиланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига кўра, вилоятда 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ташкил этилди. Эътиборлиси, улардан тўққизтасининг биноси янгидан бунёд қилинди. Энг муҳими, мусиқа ва санъатдан таълим олган ёшлар истеъдодини намойиш этиб, дунёни ҳайратга солмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

## БЕТАКРОР ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

*Нукусдаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида франциялик сураткаш Франсуа Пошнинг “Ўзбекистон франциялик сураткаш нигоҳида” номли кўргазмаси очилди.*



Таниқли сураткаш 30 йилдан буён тарихий жойларни суратга олади. Бугунги кунгача дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан, Канада, Мексика, АҚШ, Мали, Буркина-Фасо, Кот-д’Ивуар, Тайланд, Ирландия, Буюк Британия, Германия, Польша, Бразилия, Португалия, Чехословакияда Ф.Пошнинг кўргазмаси намойиш этилган.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг миллий урф-одат ва анъаналари таниқли сураткашни ўзига жалб қилди, – дейди музейнинг кичик илмий ходими Нурсулув Омантоева. – Унинг бугунги кунгача Шаҳрисабз, Тошкент, Бухоро шаҳарларида кўргазмалари ташкил этилган. Мазкур кўргазмага унинг 23 та расми қўйилган бўлиб, улардан Регистондаги Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Хоразмдаги Ичан қалъа, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Тупроққалъа, Аёзқалъа эсдаликлари, Ўзбекистон нонлари, кўпкари ва қатор суратлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Наманган Вилояти

## “НАСРИДДИННИНГ ЁШЛИГИ”

*Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри ижодий жамоаси Наманган вилоятида бўлиб, туманларда “Насриддиннинг ёшлиги” спектаклини намойиш этди.*

Озарбайжоноик драматург Юсуф Азимзода асари асосида Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев саҳналаштирган спектакль юмор орқали халқпарварликни тараннум этгани билан ёшларга манзур бўлди.

Спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зарифа Исмоилова, актёрлар Асрол Тошкенбоев, Ҳайитали Низомиддинов, Ориф Ражабқулов, Феруза Очилова, Шоҳиста Жўраева, Беҳзод Шайматов, Мурод Низомов, Аҳрор Шарипов, Рўзимбой Алланазаров талқинидаги она, қози, хизматкор, дарвеш, Насриддин образлари маҳорат билан ижро этилди.

Ижодий сафар давомида мазкур театр вилоятнинг Наманган, Чуст, Тўрақўрғон, Норин, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Косон ва Поп туманларида намойиш этилди.

**“Туркистон-пресс”**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси ва касаба уюшмаси аъзолари Дарғом давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси директори Ойбек Хуррамовга отаси

**Баён ХУРРАМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

○ Реклама ва эълонлар

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР !
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
• Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер • “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
• Бульдозер-погрузчик БЛ-750 • Турли моделдаги шиналар
• Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
• Асфальтороз • Подъемник БЛ-09
• “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»
ZAZ
ZAZ Forza
Дв.: 109 от кучи.
бензин / газ
LADA
Нива бизнес-пикап, 4Х4
Дв.: 80,92 от кучи - бензин / газ
UAZ
ТЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.
Мўлжал: Телевизион минора қаршисида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz
Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ҚОРАМОЛ ЕТИШТИРУВЧИ, ШУНИНГДЕК, БАРЧА ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!
ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ “TO‘XTANIYOZ-OTA” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
барча қорамол етиштирувчи хўжаликлардан чекланмаган миқдорда келишилган нархларда пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олади.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(+99871) 150-11-97, (+99898) 303-41-15, (+99898) 366-19-46.
Гувоҳнома № 0248

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
АГРОТЕХНИКА техникани лизинга берамиз
PROMZONA.uz
• Беларус 80Х ~ Беларус 82.1
• Беларус 1025 ~ Беларус 1221.1
• Боғ ва ферма учун тракторлар
• Картошка терадиган комбайн
• Ғўзапоя ўрадиган комбайн
• Ўт ўрадиган комбайн
• Дори сепадиган мосламалар
• Сомон йиғувчи мосламалар
• Сачратиб суғорувчи мосламалар
• Культиваторлар
• Плуг, айланма плуг, дискали плуг
• Экскаватор погрузчик, бульдозер
• Канавокапатель, ямобур
• Аккумулятор, генератор
• Фильтр, мотор мойлари
• Сут соғадиган аппарат
• Мини тегирмон
• Ем майдалаб тарқатувчи техника
• Минерал ўғит ва кимёвий моддалар
• Пресподборщик
• Мотоблок
• Чизель
• Борона
• Косилка КИР 1,5
• Картошка экадиган комбайн
• Буғдой экадиган сеялка
• Пахта экадиган сеялка
(+99871) 280-00-71
(+99871) 280-00-72
sales@promzona.uz
www.promzona.uz

Тошкент ш. Чилонзор т.даги 4-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати томонидан 1989 й.да Николаева Наталья Юрьевна номига берилган Б № 230229 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИда (реестр № 005486-07, 18.02.2015 й.) Фарғона йўли кўч. 11-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “GEMATOLOG” МЧЖ (СТИР 303222948) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 29.01.2016 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИда (реестр № 005808-07, 04.09.2015 й.) Яшнобод т. Ширмонбулоқ кўч. 18-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “BEAUTIFUL BUILD SERVICE” МЧЖ (СТИР 303435413) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 12.01.2016 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 442-90-06 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ қарори билан рўйхатга олинган “UBAYDA FAYZIYEVA” МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли “UBAYDA FAYZIYEVA” нодавлат таълим муассасасига ўзгартирилади.

Тошкент молия институти томонидан 1999 й.да Старосельцева Елена Владимировна номига берилган В № 004698 (т/р 5572) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 07.08.2015 й.даги 95 (8488) сонида “GALAXY ORION” МЧЖнинг тугатилиши тўғрисида чоп этилган эълон “Тошкент ш. Сергели т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИда (реестр № 002783-06, 09.11.2010 й.) рўйхатга олинган “GALAXY ORION” МЧЖ (СТИР 301733431) таъсисчиларининг 06.08.2015 й.даги қарорига асосан тугатилади. Даъво ва аризалар эълон чоп этилгандан кейин 2 ой муддат ичида (+99890) 176-11-50 тел. орқали қабул қилинади. Манзил: Безакчилик кўч. 14-уй” деб ўқилсин.

“SHOVOT TEKSTIL” МЧЖ ҚКнинг устав жамғармаси 49 195 990,11 АҚШ долларидан 42 053 650,06 АҚШ долларига камайтирилишини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Хоразм вил. Шовот т. Чиғатойқала қишлоғи ёки +99871 120-69-75 тел. орқали қабул қилинади.

“KATQAL’A-TEKS” МЧЖ ҚКнинг устав жамғармаси 35 716 467,12 АҚШ долларидан 13 298 245,32 АҚШ долларига камайтирилишини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Хоразм вил. Шовот т. Гулзор кўч. 15-уй ёки +99 (895) 606-26-92, 606-29-62 тел. орқали қабул қилинади.

“MEGA NUTS” МЧЖнинг (СТИР 302962510) устав фонди 337 000 000 сўмдан 91 870 000 сўмга камайтирилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан эътиборан 2 ой мобайнида Тошкент ш. Юнусобод т. Боғишамол кўч. 160-уй манзилида қабул қилинади. Тел.: (93) 554-06-65.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (05.02.2003 й., реестр № 07-000594) рўйхатга олинган “ATN-FARM” хусусий фирмаси (СТИР 201612387) номига берилган юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: М.БОБОМУХАММЕДОВА
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. | Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.15 23907 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5